

Рамзиддин ИСАҚДЖАНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси

ИБН СИНОНИНГ “ИХЛОС” СУРАСИГА ТАФСИРИ

ТАФСИР (КОММЕНТАРИЙ) ИБН СИНЫ К СУРЕ «ИХЛАС»

TAFSIR (COMMENTARY) IBN SINA TO SURA «IKHLAS»

Аннотация: Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Али ибн Синонинг фалсафий меросига оид дунёдаги кўпгина изланувчилар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Файласуфнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти билан бир қаторда унинг ислом дини асосий манбаи бўлмиш Қуръони Карим сураларига тафсирини ўрганиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Ибн Синонинг тафсирида диний таълимотларни рационал тарзда талқин этилиши услубини кўриш мумкин.

Калит сўзлар: ҳува мутлақ, Хувийят, мавжуди мутлақ, Вожиб ал-вужуд, мумкин ал-вужуд.

Аннотация: Философское наследие великого мыслителя Востока Абу Али ибн Сина изучается многими учеными всего мира. Наряду с учением философа о сущности, большое значение в нынешнее время имеет изучение его толкования сур Корана, основного источника ислама. Комментарий Ибн Сины можно рассматривать как метод рациональной интерпретации религиозных учений.

Ключевые слова: абсолютное идиентичность, Идиентичность, абсолютное сущность, необходимое сущее, возможное сущее.

Annotation: The philosophical heritage of the great thinker of the East Abu Ali ibn Sina is studied by many scientists around the world. Along with the philosopher's doctrine of the essence, the study of his interpretation of the suras of the Qur'an, the main source of Islam, is of great importance nowadays. Ibn Sina's commentary can be seen as a method of rational interpretation of religious teachings.

Key words: absolute identity, Identity, absolute essence, necessary essence, possible essence.

Ибн Сино тафсир, ақоид мавзуларида ҳам асарлар ёзган. Мазкур асарлар аллома даврида кўпчиликни кизиктирган масалалар, унга берилган саволларга жавоблар тариқасида ёзилган рисоалардир. Чунончи бундай асар кўлёмаларининг бир қисми ЎзР ФА ШИ кўлёмма фондида сақланади. Улардан масалан: “Рисолат меърожия” (Меърожга оид рисола) [1:16], “Рисола фи анна ло маҳофата лилмавт” (Ўлимнинг хавфи йўқлиги ҳақидаги рисола) [1:18], “Асрор ас-салот” (Намоз сирлари), “Тафсир суврат қул хуваллоҳу

аҳад” [1:24]. Шунингдек, мутафаккир “ал-Фалақ” ва “ан- Нос” сураларига ҳам тафсирлар ёзган.

Ибн Синонинг Ихлос сураси тафсирига ёзилган “хошиялар” ҳам салмоқлидир. Улар асосан бештадир.

1. Жалолиддин Даввонийнинг (1506м.-908х.) “Ибн Синонинг Ихлос сураси тафсирига хошияси”.

2. Аҳмад Маръаший Дабоғий (1741м. – 1165х.) “Ибн Синонинг Ихлос сураси тафсирига хошияси”.

3. Абу Саъид Мухаммад Ходимий (1176х.) “Ходимийнинг Ибн Сино Ихлос сураси тафсирига хошияси”.

4. Аҳмад Хамдий Аксакий (1951 м.- 1370х.) нинг “Ибн Синонинг Ихлос сураси тафсирининг таржимаси ва шарҳи, турк тилидаги хошияси”.

5. Абул Қосим Мухаммад бин Абдурахмон Манноннинг “Шайхур-раис Ибн Синонинг Ихлос сураси тафсирига шарҳ таржима ва хошияси”. Бу китоб урду тилига таржима қилиниб, 1311х. йилда Дехлида нашр этилган [2:74].

Ҳавола этилаётган материал интернет тармоғидаги www.al-mostafa.com сайти орқали олинган Ибн Синонинг “Ихлос ва Фалақ суралари тафсири” китоби бўлиб, унинг умумий ҳажми 110 бетдан иборат. Бу китобда “Дехлавия” мадрасаси мударрисси Мавлоно Абул Қосим Мухаммад Абдурахмоннинг шарҳлари ўрин олган. Қуйида Ибн Синонинг матни ва Абул Қосимнинг унга шарҳи ўрин олган.

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳийм

Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: “Ихлос сураси Қуръоннинг учдан бирига тўғри келади” Бухорий ривоят қилган.

Матн: Аллоҳ жалла жалалоҳу қуйидаги сўзи: Қул хувал-лоҳу аҳад. Ал-ҳува хувияти ўзидан бошқасига боғлиқ (қарам) бўлмаган мутлақ нарсадир.

Шарҳ: Ҳува мутлақ, вужуди хос бўлиб, ҳеч бир нарсага боғлиқ бўлмаган нарсадир. У нарса мутлақ “ҳува”, шахси мутлақ ва мавжуди мутлақдир. Авом учун бу лафз ва истелоҳларни баён қилиш ва тушунтириш учун ҳеч бир тилда аңлатиб бўлмайди. Барчага маълумки, дунёдаги ҳеч бир қайси тилда ички ҳиссиётларни ва нафсоний ҳолатлар ва ҳаёлотларни баён қилиш учун махсус сўз ва иборалар топилмайди. Шунинг учун ҳам истелоҳлар, яъни сўзнинг иккинчи маъноларига зарурат туғилади.

Мутлақ “ҳува” дан мурод Аллоҳ таъолодир. Баъзи уламоларнинг наздида у исми аъзамдир. Жумладан, Ҳофиз ибн Ҳашар р.а. “Фатҳул Борий”да ёзишича: “Имоми Ғаззолий р.а. айтади: Ла илаҳа иллаллоҳ авомнинг тавҳиди, Ла илаҳа илла ҳува эса хосларнинг тавҳиди”. “Хувийят” деб “хос вужуд”га айтилади. Жумладан, Ибн Сино ҳам шундай демоқчи бўлган. Баъзи уламоларнинг наздида хувият билан хос вужуднинг маънолари бошқа – бошқадир. Лекин, улар бир-биридан ажралмас бир нарсадир.

“Ал-ҳува” – билинги, бу оятнинг эъробиди турли кўринишлар бор. Улардан бири – “ҳува”

Аллоҳ исмидан киноядир. Бунга кўра “Аллоҳ” лафзи мубтадонинг хабари эканлигига кўра рафъ бўлади (чунки, “хува” мубтадодир). Иккинчи таркиб – “хува” замири шаъндан киноядир (яъни, ундан ҳеч нарса ирода қилинмаган). Бу таркибга кўра “Аллоҳ” сўзи мубтадоликка кўра рафъ бўлади. “Аҳад” эса унинг хабари бўлади. Мубтадо билан хабар, яъни “хува” нинг хабари бўлади. Учинчи таркиб – Зужжонинг айтишича, бу оятнинг асли қуйидагича бўлган: “Сизлар сўраган бу нарса – у – Аллоҳ ягонадир”. Муфассир Ибн Сино биринчи таркибни танлаган [3:2].

Бу ерда келтирилган материал асосан, Ибн Синонинг хувийят сўзига бераётган изох ва шарҳларига бағишланган. Хувийят сўзи асосан тасаввуф йўналишида кўп учрайдиган истилоҳлардан бўлиб, юқоридаги шарҳларга кўра унинг асл маъноси Яратганда яширин бўлади.

Хувийят – равшан, ишоратга лойиқ бўлмоқдур. Ва истилоҳи суфиййада андин мурод мартабаи ваҳдатдур, чунки аларнинг наздларида вужуд фақат вожиб таъолоға махсус ва бошқалар фоний, яъни фаноға яқинликдин эътибордин соқит дерлар. Хусусан, даражайи фано филлоҳликға етган валийлар вожиб таъолонинг вужудидин бошқа вужуд қатъиян йўқтур, балки гўё соя каби зоҳиран махсус, лекин ҳақиқатан маъдум, дерлар. Бас, Хуваки, бамаъноийи “шул” деб ишорат қилмоқдур. Ва ишорат учун Худодин бошқа вужуд бўлмағоч Худин мурод албатта зоти Вожибдур. Бас, хувийятдин мурод албатта мартабаи ваҳдат ва сифати Илоҳиййадур, дерлар[4:490].

Баъзи инсонлар “хува”ни исми аъзам дейишган. Ҳофиз Ибн Ҳажар “Фатхул Борий”да ёзади: “Баъзилар исми аъзамни инкор этишган. Улар сирасига Абу Жаъфар ат-Табарий, Абул Ҳасан ал – Ашъарийлар киради. Бошқалар эса, Аллоҳ Таъоло исми аъзамни фақат ўзи билади. Ҳеч бир махлуқот уни билишга қодир эмас, дейишади. Баъзилар эса уни аниқ кўрсатиб беришганлар ва бу борада ҳар хил фикрларни билдиришган. Хуллас исми аъзам ҳақида 14 та фикр айтилган. Биринчиси, исми аъзам – “хува”дир. Буни ал-Фахр ар-Розий баъзи аҳли кашфлардан нақл қилиб келтирган. Унинг фикрича “хува” замирни саволга боғлаш ёки замири шаън дейишга ҳожат йўқ.

Хуллас, муфассир Ибн Синонинг мақсади “хува” зоти муқаддасга ишорадир, “Аллоҳ” эса ўша зоти муқаддасдир[3:2].

Бу ерда Ибн Сино оятнинг тафсир қисмида “хува” сўзига араб тилида аниқлик артикли сифатида ишлатиладиган “ал”ни қўшиб ишлатган. Араб тили грамматикаси қоидаларига кўра кўрсатиш олмошларига ҳеч қачон аниқлик артикли қўшилмайди. Эҳтимолки, Ибн Сино бу ерда фақат Яратувчи номига қўшиш мумкин ва бу нарса фақат унга хос деган маънода аниқлик артиклини ишлатгандир. Шарҳловчи бу ҳақда ҳеч нарса демаган.

Матн : Чунки, қайси нарсанинг хувияти ўзидан бошқасига истеора қилинган (қарам) бўлса, ўша бошқа нарса эътибор қилинганда у “хува” “хува” бўла олмайди. Қайси нарсанинг хувияти ўз зотидан бўлса, ўзидан бошқаси эътибор қилинса ҳам, қилинмаса ҳам у “хува”лигича қолаверади.

Шарҳ: Чунки қайси нарсанинг вужуди хоси ва хувияти бошқа нарсага боғлиқ бўлса, агар вужуди хос ва хувият боғлиқ бўлган ўша нарса бўлмаса, унинг вужуди хоси ва хувияти ҳам бўлмайди. Ва агар қайси нарсанинг хувияти бошқа ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаса, унинг хувияти ва вужуди хоси ҳар ҳолатда ҳам боқий қолади.

Бу қуйидаги гапга далилдир: “Аллоҳ мавжуди мутлақ ва мутлақ “хува”дир. Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай мавжуди мутлақ ва мутлақ “хува” йўқдир. Шунинг учун ҳам “мавжуди мутлақ ва мутлақ “хува” ибораларини Аллоҳ таъолодан бошқа ҳеч кимга ишлатиб бўлмайди. Бу далил шуни таъкидлайдики, қайси нарсанинг мавжудлиги бошқа ҳеч бир нарсага боғлиқ бўлмаса, у нарса мутлақо мавжуд бўлади. Унинг мавжуд бўлиши бирор нарсанинг мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслиги билан қайдланмайди[3:3].

Бу сўзлардан кўринмоқдаки, оятдаги “хува” Ибн Синонинг эманация таълимотидаги бирламчи хувиятдир. Яъни ҳамма нарса ундан келиб чиқади, борлиқда унга алоқаси бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ, тўғрироғи, бўлиши мантиқсизлиқдир. Бу ерда барча нарсаларнинг асли Унга бориб тақалади дейилмоқчи. Шунинг учун унга мутлақ хува сўзи ишлатилмоқда.

Матн : Ҳар бир мумкин нарсанинг мавжудлиги бошқасидандир. Қайси нарсанинг мавжудлиги бошқа нарсадан бўлса, унинг мавжудлигининг хусусияти ҳам бошқа нарсадан бўлади, мана шу – хувиятдир. Демак ҳар бир мумкин нарсанинг хувияти бошқа нарсадандир. Ўз зоти билан мавжуд бўладиган нарса – биззот мавжудлиги вожиб бўлган нарсадир.

Шарҳ: Барча мумкин нарсанинг мавжудлиги бошқа нарсага боғлиқдир. Қайси нарсанинг мавжудлиги бошқа нарсага боғлиқ бўлса, унинг мавжудлик хусусияти ҳам бошқа нарсага боғлиқдир. Мавжудлик хусусияти “хувийят” деб номланади. Бу гаплардан шу хулоса келиб чиқадики, барча мумкин нарсанинг хувийяти(мавжудлиги) бошқа нарсага боғлиқдир. Демак, қайси нарсанинг хувийяти бошқа нарсага боғлиқ бўлмаса, у биз-зоти вожибул вужуд бўлади.

Бу ердаги гаплардан мақсад шуки, хуваи мутлақ биззоти вожибул вужуддир, у “мумкин” эмас. Мумкин нарса мавжудлиги бошқа нарсага боғлиқдир. Яна, шуниси зоҳирки, мавжудлик бошқа нарсага боғлиқ бўлиб, мавжудлик хусусияти бошқа нарсага боғлиқ бўлмаслиги мумкин эмас. Бу икки гапдан қуйидаги учинчи гап келиб чиқадики, мумкиннинг хувияти бошқа нарсага боғлиқдир. Лекин, шуниси маълумки, “хуваи мутлақ”нинг хувийяти бошқа нарсага боғлиқ эмас. Демак, бунга кўра “хуваи мутлақ” “мумкин” эмас.

1) Демак, барча мумкин... Бу олдинги уччала муқаддиманинг натижасидир. Чунки, аввалги икки муқаддима биринчи шакл кўринишида тузилган. Шунингдек, барча мумкин – мавжудлиги бошқасига боғлиқ бўлган нарсасидир. Мавжудлиги бошқасидан бўлган ҳар бир нарсанинг мавжудлик хусусияти ҳам бошқа нарсадандир. Муфасссир 3-муқаддимада шундай дейди: Бу - ҳувийятнинг ўзидир. Мавжудлик ва ҳувийятнинг хусусияти битта нарсасидир. Бу 3-муқаддимадан натижа шуки, барча мумкин нарсанинг ҳувийяти бошқа нарсага боғлиқдир.

2) Муфасссир шуни ирода қиладики, ҳар бир мумкиннинг ҳувийяти бошқасидандир, деган гап шуни келтириб чиқаради. Ўз зоти билан мавжуд бўлган нарса – биззоти вожибул вужуддир. Чунки юқоридаги гап шуни ифодалайди. Мумкинлик деганда ҳувийят бошқа нарсадан ҳосил бўлган деган гап лозим келиб қолади. Ўз зоти билан мавжуд бўлган нарса бу лозимдан ҳолидир. Унинг малзуми (мумкинлик) ҳам йўқдир. Чунки, лозимнинг йўқлиги малзумнинг йўқлигига далолат қилади. Демак, бу вожибул вужуд бўлиши керак. Демак, аён бўладики, ҳар бир мумкиннинг ҳувийяти бошқа нарсадандир. Мавжудлиги ўз зотида бўлган ва бошқа нарсага боғлиқ бўлмаган нарса мумкин эмас, балки, у вожибул вужуддир.

Яна шуниси аниқки, “ҳуваи мутлак” мумтаниъ (йўқ бўлувчи) эмасдир. Ва яна шуниси зоҳирки, вожиб, мумкин ва мумтаниъдан ҳеч бир нарса холи эмасдир. Барча нарсалар ушбу уч моддада бўлади. Демак, “ҳуваи мутлак”, яъни мавжудлиги бошқа нарсага боғлиқ бўлмаган нарса – вожибул вужуддир[3:4].

Бу ерда “мумкин” сўзи қўлланиладиган нарсаларнинг моҳияти ҳақида фикрлар берилмоқда. Шарҳлардан англашилмоқдаки, “мумкин” сўзига “ҳувийят” сўзини ишлатиб бўлмайди. Чунки мумкинлик сифатига эга нарсалар иккиламчилик характерга эга. Ҳувийят эса бирламчидир. Бундай мантикий ёндашув Ибн Синонинг Вожибул Вужуд концепциясидаги ғоялардан биридир. Бу концепцияда биламизки, ҳиссий илм эмас, балки мантиқдан ҳосил бўлган илм асос қилиб олинади.

Ибн Синонинг Қуръон сурасига тафсири албатта фалсафий тафсир туркумидадир. Аксар аҳли сунна уламолари фалсафий тафсирларни инобатга олмайдилар. Чунки ҳам ақидавий, ҳам фикҳий жиҳатдан бу каби тафсирлар фақат инсон ақлига суянган изоҳ ва ҳукмлардан иборат бўлиб, уламолар наздида ислом таълимотларидан четга чиқиш хавфи мавжуд. Ибн Сино “Ҳува” ва “Ҳувийят” сўзларини изоҳлар экан, кейинги даврлардаги пантеизм ғоялари учун асос бўлган қимматли қарашларни намоён қилади. Вожиб ал-ужудни куч-қудрати унинг ўзида яширин эканлиги, тасаввуф таълимоти истилоҳи билан айтганда, мазкур қудратини, жамолини хоҳлаган кишига намоён қилишини кейинги даврларда яратилган асарлар орқали кўриш мумкин.

Алишер Навоий талқинидаги Мажнун Лайли юзида шу қудратни куриб қоладики, ундан бошқа ҳеч ким бунга кўрмайди. Дарҳақиқат, пантеистик қарашга кўра барча нарсалар Яратувчидан таралади, ўша нарсалардаги илоҳийликни фақат хос бандаларгина ёки танлаб олинганларгина (Мажнун) кўриши, ҳис қилиши мумкин. Ибн Сино ана шу қудратни рационал йўл орқали тушунтиришга, мантикий таҳлил орқали ҳулоса қилиб ёндашади. Юнонлар томонидан ишлаб чиқилган метафизика Ибн Сино талқинида катта ўзгаришларга учради. Гап шундаки, Аристотел талқинидаги “Биринчи ҳаракатлантирувчи” оламни яратиш, сўнгра унинг кузатувчисига айланар эди. Оламни севсада унга таъсир кўрсатмасди. Инсоф билан айтганда, ғарбий Европа схоластикаси бу таълимотни қабул қила олмасди. Ибн Синонинг хизмати шундаки, у юнон метафизикасини яккахудолик таълимотларига мослаштирди. Ислом, христианлик ва яҳудийлик анъаналари бу қарашни қабул қила олар эдилар. Вожиб ал-вужуд доимо ҳаракатда, яратишда эканлиги мазкур динлар ақидаларига мос тушарди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ЎзФА ШИ фонди, инв. №2385/XXXVII; Мирзаев С. Библиография.
2. انيس ندلا صلاخلا قروسى لىء تيشاد قىقت 2016. لوبنتسا. ولغوار كينوراه.
3. 1916. ىلء معبط. انيس ندلا صلاخلا قروسى ريسفت.
4. Боситхон Ибн Зоҳидхон Шоший, Ҳомидхон Ибн Зоҳидхон Шоший. Фарҳанг ал-мабсут ёки истилоҳот ул-атиббо фи- интифоот ил- аҳиббо...- Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, – Б.490.
5. Исакджанов Р. Ислом фалсафаси // Ўқув қўлланма. – Тошкент: “COMPLEX PRINT” нашриёти, 2019.
6. Исакджанов Р. Онтология в философии Ибн Сины // Materialy XV Mezinarodni vedecko-prakticka konference, Veda a vznik – 2019
7. Isakdjanov R. Theoretical bases of studying the gnoseology of central Asian philosophy // Clarivate Analytics. International Scientific Journal. ISJ Theoretical & Applied Science. Philadelphia, USA issue 07, volume 75 published July 30, 2019.
8. Исакджанов Р. Мыслители восточного перипатетизма // Clarivate Analytics. International Scientific Journal. ISJ Theoretical & Applied Science. Philadelphia, USA issue 12, volume 80, published December 30, 2019.
9. Исакджанов Р. Ибн Синонинг теологик таълимотида рационал тамойиллар ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари // Ислом зиёси. – Тошкент, 2019, 3-сон.
10. Исакджанов Р. Критика и синтез философии и вероучения // MONOGRAFIA POKONFERENCYJNA. SCIENCE, RESERCH, DEVELOPMENT #14/. (PHILOLOGY, SOCIOLOGY AND CULTUROLOGY) v.02. London. 27.02.2019 – 28.02.2019. – Warszawa, 2019.